

# “ЯНГИБОЗОР ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ 1-СОН БАЁННОМАСИ

Хоразм вилояти Янгибозор  
Тумани, Беруний кўчаси, 1-уй.

2021 йил 26 июнь.

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Хоразм вилояти, Янгибозор тумани, Беруний кўчаси, 1-уй “Янгибозор пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар залида.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **14:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **14:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **15:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – **383 652**.

“Янгибозор пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида – Йиғилиш деб юритилади) жамият бош директорининг 2021 йил 01 июндаги 01/109- сон таклиф хати инобатга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2021 йил 2 июнда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – **2021 йил 22 июнь**.

Жамият кузатув кенгашининг аъзоси К. Хусаинова йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Искандаров Махмудбой Қодирбердиевич – “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖни тугатиш комиссияси раиси;
2. Хусаинова Кундузхон Равшонбековна – жамият кузатув кенгаши аъзоси;
3. Ахманов Одилбек Тажибоевич – жамият акциядори.

Йиғилиш раёсати аъзоси О. Ахманов малака ва тажрибага эга бўлган “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ ни тугатиш комиссия раиси М. Искандаровни йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи Жумамуратов Рашид Аллаяровични йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб М. Искандаров ва йиғилиш котиби этиб Р.Жумамуратов сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси раиси Р. Жумамуратовга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2021 йил 22 июнь ҳолатига шакллантирилган “Янгибозор пахта тозалаш” акциядорлик

жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун **567** та акциядорга тегишли **383 652** дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда **285 903** дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган **14** та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг **74,52 %** ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Ш. Жумамуратов– жамият бош директори;

С. Халмуратов– жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори;

Н. Отабаев – жамият тафтиш комиссияси аъзоси;

Х. Ибрагимов– “УНУ Tashkent” LLC аудиторлик ташкилоти аудитори;

Б. Рахимов - МЧЖ “Audit Union” аудиторлик ташкилоти аудитори.

Йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

### **КУН ТАРТИБИ:**

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2020 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият Бош директорининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.
6. Жамият Кузатов кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосаларини тасдиқлаш.
8. Жамиятда 2020 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
10. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
11. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
12. Жамиятнинг 2021 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
13. Жамият кузатов кенгаши аъзоларини сайлаш.
14. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
15. Жамият томонидан 2020 йил давомида амалга оширилган ҳомийлик ва бегараз ёрдамларни тасдиқлаш ҳамда жамият харажатига олиб бориш.

16. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик (шу жумладан дивидендлардан) қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритиш.

17. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларни тасдиқлаш.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги ПФ-5666-сон “Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, инвесторларға кулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Ўзпахтасаноат” АЖ тизим корхоналарининг “E-ijro auksion” ва биржа савдоларига чиқарилган активлари бўйича тўловларни бўлиб тўлаш шарти билан сотиш механизмини қўллаш тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров сўзға чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатға олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2021 йил 02 июндаги йиғилиш қарорига кўра саноқ комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлим бошлиғи -Р.Жумамуратов, ходимларни бошқариш хизмати бошлиғи -А.Купаков, моддий техника ресурслари, маъмурий хўжалик қўриқлаш хизмати бошлиғи - Д.Сапарбаев номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан саноқ комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 285 903 та овоз билан 74,52 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда саноқ комиссияси тасдиқлансин:**

**1. Р. Жумамуратов**

**2. А. Купаков**

**3. Д. Сапарбаев**

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 18 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 285 903 та овоз билан 74,52 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** жамият Бош директори Ш. Жумамуротов сўзга чиқиб, ижроия органи раҳбарининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот берди (*ҳисобот илова қилинади*).

Ҳисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2020 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директори Ш. Жумамуротовга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи, М. Искандаров акциядорлардан бош директорнинг 2020 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 285 903 та овоз билан 74,52 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2020 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича** жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори С.Халмурадовга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича бухгалтерия

баланси ҳамда молиявий натижалари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (*бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари илова қилинади*).

Йиғилиш раиси М. Искандаров акциядорлардан жамиятнинг 2020 йиллик бухгалтерия баланси ҳамда молиявий натижаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 285 903 та овоз билан 74,52 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг 2020 йиллик бухгалтерия баланси ҳамда молиявий натижалари қониқарли деб топилсин ва ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.**

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоси Н. Отабаевга сўз берди.

Н. Отабаев жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тайёрланган тафтиш комиссияси хулосасини ўқиб эшиттирди (*хулоса илова қилинади*).

Йиғилишда раислик қилувчи, М. Искандаров акциядорлардан жамият тафтиш комиссиясининг хулосасини маълумот учун қабул қилишни таклиф этди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 285 903 та овоз билан 74,52 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тузилган тафтиш комиссиясининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.**

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров жамиятнинг кузатув кенгаши раиси К. Хусаиновага сўз берди.

К. Хусаинова сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2020 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (*ҳисобот илова қилинади*).

Ҳисоботда асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар ва йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз ақсини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2020 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот

учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 285 903 та овоз билан 74,52 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият кузатув кенгашининг 2020 йилдаги фаолияти бўйича хисоботи маълумот учун қабул қилисин.**

**Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича** “УНУ Tashkent” LLC аудиторлик ташкилоти аудитори Х.Ибрагимов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2021 йил 30 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Бундан сўнг, МЧЖ “Audit Union” аудиторлик ташкилоти аудитори Б. Рахимов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2021 йил 04 майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

“УНУ Tashkent” LLC ва МЧЖ “Audit Union” аудиторлик ташкилотларининг хулосаларида “Янгибозор пахта тозалаш” АЖнинг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда Халқаро стандартларга мувофиқ келади.

Йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича “УНУ Tashkent” LLC аудиторлик ташкилотининг 2021 йил 30 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ ва МЧЖ “Audit Union” аудиторлик ташкилотининг 2021 йил 04 майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 285 903 та овоз билан 74,52 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. “УНУ Tashkent” LLC аудиторлик ташкилотининг 2021 йил 30 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ ва МЧЖ “Audit Union” аудиторлик ташкилотининг 2021 йил 04 майдаги Халқаро аудит**

стандартларига мувофиқ берилган аудиторлик текшируви хулосалари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров сўзни жамият бош директори Ш. Жумамуротовга берди.

Ш.Жумамуротов жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш – МЧЖ “Audit Union” АТ томонидан ўтказилганлигини маълум қилиб, ушбу ташкилотнинг 2021 йил 10 майдаги хулосани акциядорларга ўқиб эшиттирди. Хулосага асосан, жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими даражаси – 230 баллга баҳоланган, яъни кониқарли деб эътироф этилган (*хулоса илова қилинади*).

Бундан сўнг, кузатув кенгаши аъзоси К. Хусаинова сўзга чиқиб, Корпоратив бошқарув кодексига асосан жамиятларда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини бундан ҳам юқори кўрсаткичларга кўтаришни ижроия органи зиммасига юклатилганлиги ҳақида маълумот берди.

Йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорларга жамиятда 2020 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш бўйича берилган хулосани маълумот учун қабул қилиш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 285 903 та овоз билан 74,52 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятда 2020 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича МЧЖ “Audit Union” АТ нинг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.**

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

**- 2020 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини бундан ҳам юқори кўрсаткичларга кўтариш бўйича тегишли чоралар кўрсин.**

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров сўзни жамиятнинг бош директори Ш. Жумамуротовга берди.

Ш. Жумамуротов йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала бўйича ижроия органининг ва жамият кузатув кенгашининг таклифи билан таништирди.

Бугунги кунда жамиятнинг устав фонди 1 870 303 500 сўмни ташкил этади.

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз – 280 545 525 сўм миқдорида тузилади ва 2021 йил

01 июнь ҳолатига захира фонди 163 587 650 сўм, яъни устав капиталнинг 8,7 фоизини ташкил этади.

Жамият акциядорларининг 2020 йиллик умумий йиғилиш қарорига асосан, 2019 йил соф фойдаси, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарори талабларига асосан жамият устав фондиди кўпайтиришга етарли бўлмаганлиги сабабли, тақсимланмасдан жамгарилган фойда таркибида қолдирилган ҳамда мазкур 1 760 656 916 сўм маблағ жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олиш бўйича қарор қабул қилинган.

Жамият томонидан 2020 йил якуни бўйича 196 603 656 сўм соф фойда олинган бўлиб, шундан:

- 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойданинг 5,0 фоизи, яъни 9 830 183 сўм жамиятнинг захира фондига йўналтирилсин;

- Жамият томонидан 2020 йил якуни бўйича олинган 196 603 656 сўм соф фойдадан қолган 186 773 473 сўм ҳамда 2019 йил соф фойдасидан тақсимланмасдан жамгарилган фойда таркибида қолдирилган 1 760 656 916 сўм жами 1 947 430 389 сўм соф фойдани қуйидагича тақсимлаш тавсия этилади.

- соф фойданинг яъни 1 467 947 187 сўм(дивиденд солиғи билан бирга)ни дивиденд микдориди акциядорлар ўртасида тақсимлашга йўналтирилсин;

- соф фойданинг 97 371 519 сўми Кузатув кенгаши аъзолари, тафтиш комиссия аъзолари ҳамда ижроия органи аъзоларини рағбатлантириш учун йўналтирилсин;

-соф фойданинг 382 111 683 сўм тақсимланмасдан жамгарилган фойда таркибида қолдирилсин ҳамда мазкур 382 111 683 сўм маблағ жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олиш тавсия этилган.

Муҳокамадан сўнг йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлағанлар” – 285 903 та овоз билан 74,52 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият томонидан 2020 йил якуни бўйича 196 603 656 сўм соф фойда олинган бўлиб, шундан:**

**- 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойданинг 5,0 фоизи, яъни 9 830 183 сўм жамиятнинг захира фондига йўналтирилсин;**

**- Жамият томонидан 2020 йил якуни бўйича олинган 196 603 656 сўм соф фойдадан қолган 186 773 473 сўм ҳамда 2019 йил соф фойдасидан тақсимланмасдан жамгарилган фойда таркибида қолдирилган 1 760 656 916 сўм жами 1 947 430 389 сўм соф фойдани қуйидагича тақсимлаш тавсия этилади.**



- соф фойданинг 1 467 947 187 сўм(дивиденд солиғи билан бирга)ни дивиденд миқдоридан акциядорлар ўртасида тақсимлашга йўналтирилсин;

- соф фойданинг 97 371 519 сўм Кузатув кенгаши аъзолари, тафтиш комиссия аъзолари ҳамда ижроия органи аъзоларини рағбатлантириш учун йўналтирилсин;

-соф фойданинг 382 111 683 сўм тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибидан қолдирилсин ҳамда мазкур 382 111 683 сўм маблағ жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олинсин.

2. Дивидендлар мазкур йиғилиш қарори қабул қилинган кундан эътиборан олти кун ичида тўлансин.

- дивидендларни тўлашни бошлаш санаси: 26 июнь 2021 йил.

- дивидендларни тўлашни тугатиш санаси: 26 август 2021 йил.

3. Дивидендлар белгиланган тартибда ва юқорида кўрсатилган муддатларда акциядорларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли орқали амалга оширилсин.

Кун тартибиданги ўнинчи масала бўйича йиғилиш раислик қилувчи М. Искандаров сўзга чиқиб, жамият бош директори Ш. Жумамуратов ваколати тугаганлиги, аммо жамият бош директори лавозимига номзодларни кўриб чиқиш ишлари якунига етмаганлиги сабабли жамият бош директори лавозимига номзод тайинлаш масаласини жамият акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига қолдириш, жамият бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи тайинлаш масаласини жамиятнинг Кузатув кенгашига юклаш таклифини киритди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан кун тартибиданги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ўқлаганлар” – 285 903 та овоз билан 74,52 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибиданги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият бош директори Ш. Жумамуратов билан тузилган муддатли меҳнат шартномасининг муддати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 105-моддасининг биринчи қисмига асосан тугаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамият жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори С. Халмурадовга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 151-модда биринчи қисмига асосан унга 26.08.2019 йилдан 26.06.2021 йилгача ишлаган даври учун фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун 18 кунга пуллик компенсация ва бошқа тегишли ҳисоб-китобларни тўлиқ амалга оширсин.

3. “Янгибозор пахта тозалаш” АЖ бош директори лавозимига номзод тайинлаш масаласи жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига қолдирилсин.

4. “Янгибозор пахта тозалаш” АЖ бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи тайинлаш вазифаси жамиятнинг Кузатув кенгашига юклатилсин.

5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши бир кун муддатда қонунда белгиланган тартибда “Янгибозор пахта тозалаш” АЖга бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи вазифасига номзод тайинласин.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори С. Халмурадов сўзга чиқиб, жамиятда 2021 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди:

т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва рақами	Миллий аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда	Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда
1	МЧЖ “УРГАНЧ АУДИТ”	17.05.2021й	10 000,0	9 000,0
2	МЧЖ “AUDIT UNION” АТ	12.05.2021й №12/5	9 800,0	8 900,0
3	МЧЖ “AUDIT MAXIMA”		14 000,0	12 000,0

Муҳокама давомида жамият акциядори О. Ахманов жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасига асосан аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини кетма-кет уч йилдан ортиқ аудиторлик текширувидан ўтказишга ҳақли эмас.

Юқорида кўрсатилган 3 та аудиторлик ташкилотлари кетма-кет уч йилдан ортиқ жамиятни аудиторлик текширувидан ўтказмаган.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан 2021 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 285 903 та овоз билан 74,52 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

## **Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

### **1. 2021 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини:**

-Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун МЧЖ “Audit Union” АТ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори – 9 800,0 минг сўм белгилансин;

-Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун МЧЖ “Audit Union” АТ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори - 8 900,0 минг сўм белгилансин.

### **2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ҳамда хулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори С. Халмурадовга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2021 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (*бизнес-режа илова қилинади*).

Йиғилиш раиси М. Искандаров акциядорлардан жамиятнинг 2021 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 285 903 та овоз билан 74,52 %;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамиятнинг 2021 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.**

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича йиғилиш раиси М.Искандаров акциядорларга қуйидагиларни маълум қилди, жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 195 660 дона акция эгаси “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ ва акциядор 47 070 дона акция эгаси Алламова Диляра Юлдашевна томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан, “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ ни тугатиш комиссияси раиси - Искандаров Махмудбой Қодирбердиевич, Давлат активларини бошқариш агентлиги Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси

бошлиғи - Зарипов Дилмурод Бахромович, “Ўзахтасаноат” АЖ бошқарма бошлиғи ўринбосари - Бойкулов Эгамберди Мусурмокулович, Давлат активлари агентлиги, Хоразм вилояти худудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари – Рахимов Шухрат Ражабович, “Ўзпахтасаноат” АЖ бош мутахассиси - Собиров Одамбой Мухаммадович, “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ корпоратив ва мулкый муносабатлар бўйича мутахассиси,- Хусаинова Кундузхон Равшонбековна, жамият акциядори Ахманов Одилбек Тажибоевич ва жамият акциядори Алламова Диляра Юлдашевна номзоди белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Хоразмпахтасаноат худудий бирлашмаси” АЖ ва Алламова Диляра Юлдашевна томонидан кўрсатилган номзодлардан:**

Искандаров Махмудбой Қодирбердиевичга:

“Ёқлаганлар” – 293 321 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Зарипов Дилмурод Бахромовичга:

“Ёқлаганлар” – 291 089 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Бойкулов Эгамберди Мусурмонкуловичга:

“Ёқлаганлар” – 244 743 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Рахимов Шухрат Ражабовичга:

“Ёқлаганлар” – 197 520 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Собиров Одамбой Мухаммадовичга:

“Ёқлаганлар” – 196 760 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Хусаинова Кундузхон Равшонбековнага:

“Ёқлаганлар” – 199 335 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Ахманов Одилбек Тажибоевичга:

“Ёқлаганлар” – 411 976 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Алламова Диляра Юлдашевнага:

“Ёқлаганлар” – 166 577 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

1. Искандаров Махмудбой Қодирбердиевич - “Хоразмпахтасаноат худудий бирлашмаси” АЖни тугатиш комиссияси раиси;
2. Зарипов Дилмурод Бахромович- Давлат активларини бошқариш агентлиги Хоразм вилояти худудий бошқармаси бошлиғи;

3. Бойқулов Эгамберди Мусурмоқулович - “Ўзахтасаноат” АЖ бошқарма бошлиғи ўринбосари

4. Рахимов Шухрат Ражабович - Давлат активлари агентлиги, Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари;

5. Собиров Одамбой Мухаммадович - “Ўзпахтасаноат” АЖ бош мутахассиси;

6. Хусайнова Кундузхон Равшонбековна - “Хоразм минтақавий пахта терминали” МЧЖ корпоратив ва мулкый муносабатлар бўйича мутахассиси;

7. Ахманов Одилбек Тажибоевич – жамият акциядори;

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича йиғилишга раислик қилувчи М. Искандаров сўз олди ва жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 195 660 дона акция эгаси 51 фоиз акция улуши эгаси “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

“Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар қуйидагилар:

1. Салаев Матназар Жуманиязович - “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ- тугатиш комиссияси аъзоси;

2. Азимжанов Жалоладдин Санъатович - “Гурлан пахта тозалаш” АЖ, Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмат бошлиғи;

3. Аллаберганов Романберган Юсубович - “Хонқа пахта тозалаш” АЖ, Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмат бошлиғи.

Муҳокамадан сўнг, йиғилиш раиси М. Искандаров акциядорлардан тафтиш комиссиясига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

Салаев Матназар Жуманиязовичга:

“Ёқлаганлар” – 289 503 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Азимжанов Жалоладдин Санъатовичга:

“Ёқлаганлар” – 289 503 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Аллаберганов Романберган Юсубовичга:

“Ёқлаганлар” – 289 503 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**Жамият тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидагилар сайлансин:**

“Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Салаев Матназар Жуманиязович - “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ-тугатиш комиссияси аъзоси;

**2. Азимжанов Жалолоддин Санъатович -“Гурлан пахта тозалаш” АЖ, Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмат бошлиғи;**

**3. Аллаберганов Романберган Юсубович -“Хонқа пахта тозалаш” АЖ, Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмат бошлиғи.**

**Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров сўзни жамият молиявий масалалар бўйича директори С. Халмурадовга берди. С. Халмурадов жамият томонидан 2020 йил давомида амалга оширилган хомийликлар тўғрисида акциядорларга ахборот берди.

Муҳокамада жамият бош директори Ш. Жумамуротов иштирок этиб, ҳар бир хомийлик мақсадли равишда Ҳукумат дастурлари асосида амалга оширилганлигини таъкидлаб, 2020 йил давомида жами 1 178 636 сўмлик хомийлик ва бегараз ёрдамларни тасдиқланишини ҳамда жамият харажатиغا олиб боришга розилик берилишини йиғилиш иштирокчиларидан сўради.

Йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 285 903 та овоз билан 74,52 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бегарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Жамият томонидан 2020 йил давомида амалга оширилган хомийлик ва бегараз ёрдамлар тасдиқлансин ва жамият харажатиغا олиб борилсин.**

**Кун тартибидаги ўн олтинчи масала** йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров сўзни жамият молиявий масалалар бўйича директори С. Халмурадовга берди.

С.Халмурадов сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари тахлилини ўтказиш мақсадида Бош директор бошчилигида ишчи-гуруҳи тузилган ва мазкур ишчи-гуруҳининг хулосасига асосан 2021 йил 01 июнь ҳолатига қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг 18 304 026 сўмлик кредиторлик ва 9 591 414 сўм дебиторлик қарздорликлари мавжудлиги ҳақида маълумот берди (*хулоса илова қилинади*).

Муҳокамада йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров ушбу муддати ўтган кредиторлик қарздорликларни ҳисобдан чиқаришни ва бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритишни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 285 903 та овоз билан 74,52 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бегарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг кредиторлик қарздорликлари 1-иловадаги рўйхатга мувофиқ ҳисобдан чиқарилсин ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувлар киритилсин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ошиб кетишига йўл қўймаслик бўйича тегишли чораларни кўриш;
- барча турдаги харажатлар қисқартирилишига эришиш юклатилсин.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров сўзга чиқиб, жамиятнинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги ва Низомларини ҳам янги таҳрирларини тасдиқлаш таклиф этилди ҳамда ушбу ҳужжатларнинг лойиҳалари билан акциядорлар таништирилди.

Муҳокамадан сўнг, акциядорлардан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўралди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 285 903 та овоз билан 74,52 %;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Кузатув кенгаши тўғрисида” ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомлар 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- жамиятнинг янги таҳрирдаги “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларини жамият фаолиятига татбиқ этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича йиғилиш раиси М. Искандаров сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори С. Халмурадовга берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2020 йил 14 майда тасдиқланган “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Йўл харитаси”да жамият ва тизим корхоналарига тегишли бўлган активларни белгиланган тартибда сотиш бўйича топшириқлар берилган.

Жамият томонидан аукцион савдоларига чиқарилган бир қатор активлар бир неча маротаба савдоларга қўйилганлигига қарамаздан сотилмасдан қолмоқда (4-илова).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги ПФ-5666-сон “Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлат кўчмас мулк объектлари ва давлат улушлари учун сотиб олиш тўловларини тўлашда, савдолар ўтказилган санадаги белгиланган базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ) баравари миқдоридан ҳисобланадиган сотиб олиш тўловлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда, сотиб олиш тўловларини тўлашнинг қуйидагича белгиланган муддатлари жорий этилган:

БХМнинг 3000 бараваригача — олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб уч ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БХМнинг 3000 бараваридан юқори, лекин БХМнинг 7000 бараваридан кўп бўлмаганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб олти ойдан кўп бўлмаган муддатда;

БХМнинг 7000 бараваридан юқори, лекин БХМнинг 15000 бараваридан кўп бўлмаганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб бир йилдан кўп бўлмаган муддатда;

БХМнинг 15000 бараваридан юқори, лекин БХМнинг 20000 бараваридан кўп бўлмаганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб икки йилдан кўп бўлмаган муддатда;

БХМнинг 20000 бараваридан юқори бўлганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб уч йилдан кўп бўлмаган муддатда.

“Янгибозор пахта тозалаш” АЖда “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ улуши 51 фоизни, ўз навбатида “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ устав капиталида “Ўзпахтасаноат” АЖнинг улуши 65,52 фоизни ташкил этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги ПФ-5666-сон Фармонида мувофиқ инвесторларга қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Ўзпахтасаноат” АЖ ва тизим корхоналари томонидан аукцион савдоларига чиқарилган ҳар бир активларни сотиб олишда тўловларни бўлиб тўлаш шартини қўллаш таклиф этилди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўралди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 285 903 та овоз билан 74,52 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги ПФ-5666-сон “Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ инвесторларга қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш мақсадида жамиятнинг баҳоланган қийматда “E-ijro aukcion” ва биржа**



савдоларига чиқарилган активлари бўйича тўловларни бўлиб тўлаш шарти билан сотиш механизми қўлланилсин.

**2. “Янгибозор пахта тозалаш” АЖ бош директориغا:**

- қиймати қонунчиликда белгиланган йирик битимни ташкил этувучи активларни (мол-мулк, акция (улуш) пакетлари)ни амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда жамиятнинг ваколатли боошқарув органи қарорига асосан сотилишини таъминлаш;

- активларнинг сотилишини максимал ошкоралигини таъминлаш, шу жумладан:

- талабгорлардан таклифларни қабул қилинишини белгиланган тартибда ташкил этиш ва таклифлар тўғрисидаги жамланма маълумотларни “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясига киритиб бориш вазифалари топширилсин.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи.  М. Искандаров

Йиғилиш котиби:  Р. Жумамуратов

Йиғилиш баённомаси 2021 йил 06 июль куни икки нусхада тузилди.